

Одзим ҳамма нарасага чидаши мумкин,
лекин адолатсизликка чидай олмайды.

Ислом КАРИМОВ

ДЕМОКРАТИЯШТИРИШ ва инсон ҳуқуқлари

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS
ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

ISSN 2181-6409

Илмий-маърифий журнал - Scientific and educational magazine - Научно-просветительский журнал



«Давлат хокимияти
ва бошқаруви органлари
фаолиятининг
очиклиги тұғрисида»

Ўзбекистон Республикаси
Қонуни

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАХҚАМЛАНМОҚДА



«Фуқароларнинг
мурожаатлари
тұғрисида»

Ўзбекистон Республикаси
Қонуни



«Ижтимоий шериклик
тұғрисида»

Ўзбекистон Республикаси
Қонуни



2(66)-2015

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

2(66)-2015

Бош муҳаррир
Д.мал САИДОВ

Халқаро таҳрир кенгаси:

Аслан АБАШИДЗЕ
(Россия Федерацияси)
Алексей АВТОНОМОВ
(Россия Федерацияси)
Уильям БАТЛЕР
(АҚШ)
Тадеуш БОДИО
(Польша)
Рольф КНИПЕР
(Германия)
Рольф КНИПЕР
(Германия)
Дидье МОС
(Франция)
Андрея ХОДУПСКИЙ
(Польша)
Петер ЮЗА
(Словакия Республикаси)

Таҳрир ҳайъати:

Танзила НОРБОЕВА
Аҳмад ИСМОИЛОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Сайёра РАШИДОВА

Бош муҳаррир
Үринбосарлари:

Эркин ЭРНАЗАРОВ
Бўлом МИРЗАЕВ

Масъул котиб:
Бобирмирзо ИСМОИЛОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИДАН

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш
ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан 2

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

З. Мирзаев. Ҳуқуқий эксперимент: Самарканд вилояти тажрибаси 5
М. Эсанов. Очиқ жамият сари: Бухоро вилояти тажрибаси 10
А. Абдуҳакимов. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини
ривожлантиришда ижтимоий шерилликнинг ўрни 13
Т. Аметов. Сайлор тизимини ислоҳ қилиши –
демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги мухим қадам 16
Э. Абдуллаев. Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқукини
таъминлашда “электрон ҳукумат”нинг аҳамияти 20

ЮҚСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

К. Усмонов. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ахлоқий жихатлари 23

ИНСОН ВА ҲУҚУҚ

И. Исмоилов, К. Алибекова. Ҳукукбузарликлар профилактикаси
миллий тизими – тинчлик ва осойишталик гарови 27
О. Камолов. Махсулот етказиб бериш шартномасининг
тарафлари сифатидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 33

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) – 2014 ЙИЛДА 38

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

С. Норқулов. Фуқаролик жамияти генезиси ва тараққиётига
оид айрим илмий-назарий мулоҳазалар 43

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – АМАЛДА

С. Орифхўжаев, Р. Йўллошев. Тараккиётнинг асосий омили 48

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҲУҚУҚИ

Л. Исоков. Францияда одам савдосига қарши
курашнинг ҳуқуқий асослари 50

ТАРИХ САХИФАЛАРИДА

О. Бўриев, Ш. Искандаров. Амир Темур –
Туркистон сайидлари ҳомийси 56

АНЖУМАНЛАР, ТАДБИRLАР, ТАҚДИМОТЛАР

МУАССИС:



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҲАММУАССИСЛАР:



ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ



ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ВАКИЛИ
(ОМБУДСМАН)

АМИР ТЕМУР – ТУРКИСТОН САЙИДЛАРИ ҲОМИЙСИ

Очил БҮРИЕВ *, Шерзод ИСКАНДАРОВ **

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида мусулмон жамоалари орасида саййидлар алоҳида имтиёзга эга бўлган гурух хисобланган ва уларнинг диндорлар орасидаги нуфузи аъёнлар сингари юкори бўлган. Шу боис тарихий манбаларда ва халқ тилида “сайид” атамаси кўп учрайди. Мазкур атамани нотўғри қўллаш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шундай экан, авваламбор, “сайид” тушунчаси ва насабининг мазмун-моҳияти хақида кискача тўхталиб, сўнг Соҳибқирон Амир Темурнинг саййидларга ҳомийлик килгани тарихи хусусида фикр юритамиз.

“Сайид” ёки “Сайийд” сўзининг бирламчи луғавий мазмуни мустакил ҳукмдор, жаноб; Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан бўлган мусулмонлар унвони; Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) авлодларига мансуб эркаклар исмининг, масалан, Сайийдкарим, Сайийдолим каби исмларнинг таркибий қисми каби маъноларни англатади¹.

Алишер Навоий асарларида бу тушунча, шунингдек, Сайийд ул-мурсалин, яъни пайғамбарларнинг бошлиғи² маъносида ҳам қўлланилган бўлса, Захириддин Муҳаммад Бобур томонидан саййидлар – бошлиқ, етакчи, пайғамбар авлоди деб таърифланган³. Таниқли тилшунос олим Э.Бегматовнинг китобида Сайд (Сайийд) сўзи қўшилган 80 дан зиёд исмга изоҳ берилади⁴.

“Сайийд” атамаси асосан расулуллоҳ Муҳаммад алайхиссалом авлодларига нисбатан ишлатилади. Манбаларга кўра, Муҳам-

мад пайғамбар (с.а.в.)нинг кизи Фотима билан амакиваччаси Алидан тарқалган авлодга саййид номи берилган. Бу сўз исломга қадар араблар кабила бошлигининг унвонини ифодалаган. Кейинчалик унинг қўлланиш дараҷаси кенгайиб, “улуф”, “буюк” маъноларини англатган. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг фахрий унвони сифатида ишлатилган бу калом кейинчалик “Сайийд ул-мурсалин” (пайғамбарларнинг улуғи), “Сайиди курайший” (курайш қабиласининг бошлиғи) каби турли бирикмалар ўрнида ҳам келган.

Ислом дунёсида саййид унвонига эга бўлган шахс катта имтиёзларга эга бўлган. VII-VIII асрларда пайғамбаримизнинг қизлари Фотимадан тарқаганлар “сайийд” аталиб, алоҳида хурматга сазовор табака сифатида аҳоли томонидан эъзозлаб келинган. Бу аньана қарийб минг йил давом этиб, саййидлар давлат бошқаруви ва ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган⁵.

IX асрда йирик шаҳарларда накиблар сайланана бошланган. Накиб саййидларнинг даъволари хакиқийлиги тўғрисида ҳукм чиқариш учун шажаралар билимдони бўлиши, саййидларнинг хулк-атвори ва уларнинг манфаатларига риоя этилишини, саййидларга тегишли вакф мулкларини назорат килиши лозим бўлган⁶.

Сайийд насабига эга бўлган шахслар давлатда юкори лавозимларда туриб, муҳтасиб, накиб (раҳбар) каби лавозимларга тайинланган. Бухоро амирлигига Жўйбор шайхлар тасарруфидаги худудларни бошкариш, Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд мажмуасини ободонлаштиришга ҳам саййидлар масъул бўлган. Амирликда саййидлар алоҳида имтиёзли катлам сифатида алоҳида ажралиб туриб,

* Очил Бўриев – Карши давлат университети доценти;

** Шерзод Искандаров – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мустакил тадқиқотчиси

менинг бошқа табака ва тоифалари билан соҳох муносабатларига кирмаганлар.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг саййид унвонига эга бўлган авлодлари ўзлари слаган жойда яшаш, ўша ердаги хукмдор ҳузурига bemalol кириш, барча соликлардан ёзди этилиш каби имтиёзларга эга бўлганлар. Халифалик ҳудудидаги амирлар саййидларнинг яхши яшashi учун ер-сув, турли инъомлар билан таъминлаши, уларнинг зуноҳларини кечириши, уларни озод этиши шарт бўлган. Саййидлар берилган ушбу имтиёзлар туфайли катта обрў ва эътиборга эга бўлган⁷.

“Темур тузуклари”да саййидлар эҳтиром билан тилга олинган. “Тузуклар”да, жумладан, шундай дейилган: “Биринчи навбатда саййидлар ва уламони иззат ҳурмат қилишини, ҳар кандай истаклари бўлса, дарҳол мухайё этиб, мукаррар равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб туришни буюрдим”⁸.

Асарда таъкидланганидек, саййидлар Амир Темур мажлисларида фаол иштирок этиб, давлат ишлари, хукукий ва ахлокий масалалар бўйича кимматли фикрлар беришган. Соҳибқирон улардан ҳалол ва ҳаромга оид кўп масалаларни ўрганган. Асарда Амир Темур саййидларни сара, эътиборли одамлар хисоблаб, иззат-ҳурматларини ўрнига қўйгани, улар орасидан лаёқатли биттаси ахли исломга бошлиқ – садр этиб тайинланганлиги, улар 12 тоифанинг биринчиси сифатида қадрланганлиги кайд этилади. Соҳибқирон уларга етарлича нафака ва маош белгилангилиги, ҳаттоки саййидлар машваратларда салтанат тахти атрофида, энг олдинда, ўнг томондан жой олишгани ҳамда саййидлар азиз тутилиб, улар суюрғол, вазифа ва ойлик маош билан сийланганлари батафсил баён этилган.

Амир Темур саййидларга эҳтиром кўрсатиб, уларни пир тутган ҳамда давлат бошқарувида уларнинг маслаҳатларига доимо амал қилгани бошқа ёзма манбаларда ҳам ўз акссини топган. Маккалик Мир Саййид Барака Термиз саййидлари авлодидан бўлиб,

Соҳибқироннинг пири хисобланган. Амир Темур ўз васиятида: “Менинг бошимни пирим Мир Саййид Бараканинг оёқ томонига қўйинглар”, деган. 1404 йил охирларида вафот этган Мир Саййид Барака Соҳибқирон кўрсатмаси билан дастлаб Афғонистонда (Анҷхўй вилояти) дафн этилган. Сўнгра, 1409 йилда Шоҳруҳ Мирзо ва Мирзо Улуғбек Соҳибқироннинг васиятига қўра, у зотнинг хокини шимолий Афғонистондан олиб келиб, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбарасига, Соҳибқироннинг бош тарафига қўйган.

Амир Темур томонидан 1387 йилда Самарқандга олиб келиниб, “Дор уш-шифо” мадрасасида дарс берган журжонлик машҳур файласуф олим Мирсаййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1330-1414) билан боғлиқ маълумотлар ҳам ғоятда кизикарлидир. Жумладан, Соҳибқирон истаги бўйича Самарқандда илмий ишлар олиб борган ислом дунёсида машҳур хуросонлик олим Саъфоуддин Тафтазоний (1322-1389) билан Соҳибқирон ҳузурида бўлиб ўтган баҳс-мулокот ҷоғида Амир Темур шундай деган экан: “Биз икки олим фазилат ва ирфонда тенг эканлигини билсак ҳам, Журжонийнинг насаб жиҳатдан устунлиги бор. Яъни у ҳам саййид, ҳам шарифдур. Тафтазоний эса бизлар кабидур”.

Соҳибқироннинг Термиз саййидларини қандай эъзозлагани тарих саҳифаларида муҳрланиб колган. Термиз саййидлари Амир Темур ва темурийлар даврида катта нуғузга эга бўлганлар. Улардан, айниқса, Ало ал-Мулкнинг ўғиллари Алоуддин, Абул Маолий ва Али Акбар салтанатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. Ҳусусан, 1370 йил баҳорида Балҳда Амир Темурнинг тахтга ўтириш маросимида Абул Маолий ва Али Акбар ҳам қатнашган.

Аммо, 1371 йилда Абул Маолий Зинда Чашмга қўшилиб хукмдорга қарши фитнага бош қўшиб, руҳонийлиги учун афв этилган. Ўша вақтда унинг ҳалқ орасида обрўси баланд бўлган. У кейинги йили Соҳибқи-

роннинг Хоразмга юришида иштирок этган. Амир Темур 1399 йилда Ҳиндистон юришидан ҳамда 1404 йилда Ғарб юришидан қайтишида Термиздаги қадамжоларни, саййидларни, Ҳаким Термизий, Абу Бакр Варроқ макбараларини зиёрат қилган. Абул Маолийнинг ўғли Ало ал-Мулкнинг хонадонида тўхтаб ўтган.

Термиз саййидларининг таникли вакили Абул Маолий кўп йиллар мобайнида Соҳибқироннинг ота мерос мулкида яшаган ва қазоси етгач (1455 йил) Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидонда, Шайх Шамсиддин Кулол қабри ёнида дағн этилган. Унинг бу манзилдаги қабр тошида Термиз саййидларининг анча аник шажараси келтирилган. Шунингдек, мазкур хилхонада Соҳибқироннинг падари бузруквори Мұхаммад Тарагай ҳам дағн этилган. Манбаларда Темурий шахзодалар, Термиз саййидлари хонадонлари намояндлари асосан Хоразм вакилларига уйланганлиги қайд этилади⁹.

Соҳибқироннинг Хоразм саййидларига эҳтироми ҳам диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида сақланаётган ёрликда (бир варак, 11 сатр, бодом шаклдаги муҳрнинг ўрта кисмида) “Амир Темур Тарагай” деб ёзилган. Бу ҳужжат Абу Муслим авлодларига берилган ёрлик бўлган ва 1378 йилда Соҳибқирон томонидан Хоразмдаги Дархонота мавзесида битилган. Академик И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” (1968) рисоласида ушбу ҳужжатнинг фотосурати илова қилинган.

Мазкур ҳужжатда Пайғамбар авлодлари – саййидларнинг ислом дунёсида катта имтиёзларга сазовор бўлиб келгани таъкидланган. Қўриниб турибдики, Абу Муслим наслидан бўлган Хоразм саййидлари мўғуллардан аввал ҳам бу ерда катта имтиёзларга эга бўлган. Чингизийлар даврида имтиёзлари бироз чекланган бўлса-да, ўз ҳукукларини саклаб колишган.

Туркистонда Амир Темур салтана-ти карор топгач, Хоразм саййидлари ўз ҳақ-ҳукуклари ва имтиёзлари маҳсус фармон билан расмий тан олинишини сўраб, Соҳибқиронга мурожаат қилишган.

Абдураҳмон ибн Муслим (727-755) Марв яқинидаги Моҳон қишлоғида яшаган, у Ҳошимийлар қабиласига мансуб бўлган, яъни саййидлардан саналган. Абу Муслим Ҳуросон волийси бўлиб, Аббосийлар халифасининг таникли лашкарбошиси бўлган. Унинг авлодлари кейинчалик Хоразмга келиб жойлашган ва маҳаллий аҳоли орасига сингишиб кетган.

Соҳибқирон саййидларнинг моддий жиҳатдан таъминланишига ҳам алоҳида эътибор берган. “Амир Музаффар ва-л Мансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодурхон сўзим” деб битилган мазкур ёрликда таъкидланганидек, Хоразмдаги Дархонота саййидлари ғуж ҳолда яшаб, ер-сув, тегирмон каби бойликларга эга бўлган. Ёрликда кўрсатилишича, саййидлар барча йифим (солик)лардан озод этилган. Хон ови пайтида саййидларга халақит берилмаган, улардан ов учун улов, озиқ-овқат ва бошқалар олинмаган. Бошка амалдорлар ҳам саййидларга озор беришмаган.

Хорижий элчиларга шароит яратиш ишларига ҳам саййидлар сафарбар этилмаган. Улар бу соҳага даҳлдор солик ва хизматлардан озод этилган. Мамлакатдаги манзилгоҳларда ҳаракат кеча-ю кундуз давом этган. Йўловчилар, яъни чопарларга шароит яратиш маҳаллий аҳолига юқлатилган. Хоразм саййидлари бу мажбуриятдан ҳам озод этилганлиги ёрликда ёзилган.

Айтиш жоизки, Амир Темур муҳри босилган “Тархон ёрлик”да XIV асрда улуғ бобокалонимизнинг Туркистондаги мустаҳкам давлатчилик тартиб-коидалари, давлат сиёсати, ижтимоий-иктисодий ҳаёт акс этган. Мазкур ёрликда Соҳибқирон давлатида дин пешволари, жумладан саййидларнинг обрў-эътибори кучли эканлиги, ҳукмдор уларга таяниб, давлат бошқарувида дин пешволарининг обрў-этиборини жойига қўйганлиги теран баён этилган¹⁰.

алтана-
лари ў-
сус фар-
и сўраб
5) Маре-
н, у Ҳо-
н, яни
Қурнос
исининг
гавлод-
лашган
кетган,
оддий
ида эъ-
Лансур
сўзим”
нгани-
чи ғуж
иклар-
и, сай-
этил-
лақит
овқат
срлар
итиш
тил-
қ ва
даги
з да-
шаш-
тан.
ҳам
хри
рда
аги
ри,
аёт
юн
ай-
ги,
ида
гла

Соҳибқирон доимо саййидларни эъзоз-
ганига яна бир мисол келтирамиз. Гап
шундаки, 1361 йилда барлослар асири олган
нафар саййидни асирикдан озод этгач,
Туглук Темурнинг ғазабига учраган. Бу
жадда “Темур тузуклари”да шундай баён
клиниди: “Мовароуннахрда мӯғулларнинг
шабру ситамлари ортиб кетди. Чунончи,
саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини
асир олиб банди этдилар. Илёсхўжа дав-
лат ва сиёsat ишларида лаёкатсиз бўлгани
туфайли уларнинг зулми ситамига барҳам
беришга ожиз эди. Мен бўлсан, ўз салобату
ҳайбатим билан мӯғуллар устидан ғалаба
козондим ва мазлумларни золимлар зулми-
дан халос этдим”.

Бундан ташкири, “Темур тузуклари”да:
“Саййидлар орасидан лаёкатли биттаси-
ни аҳли исломга садр қилиб тайинладим.
Вақфларни бошкариш ва назорат қилиш
учун мутаввалий тайинлаш, ҳар бир вилоят
ва шаҳарни кезиб, муфтий, муҳтасиб (на-
зоратчи) тайинлашни унинг ўзига ҳавола
этдим. У саййидлар, уламолар, шайхлар ва
бошқа диний арбобларга суюргол белгилаб,
ҳар бирининг вазифасини тайин килсин де-
дим”¹¹, дея қайд этилган.

Саййидлар сон жиҳатдан камчиликни
ташкил этиб, асосан, пойтахт Самарқандда
ва бошқа айрим шаҳарларда, хусусан, Бухо-
ро, Тошкент ва Кўконда истикомат килган-
лар. Шунингдек, саййидлар аҳолисининг
асосини хўжа ёки чигатой деб аталувчи ўз-
бек ва тожик тилли гурухлар ташкил этувчи
худудларда яшаган. Бу этник гурухлар, асо-

сан, Сурхон воҳасида истикомат қиласи¹².

Саййидлар давлат бошқарувида алоҳида
имтиёзга эта бўлганлар. Маънавий-маъ-
рифий ишлар билан шуғулланган, мадра-
саларда мударрислик килган. Саййидлар
қози лавозимида ҳам ишлаган. Улар одатда
аҳолининг кўпчилик кисмидан ажралган
ҳолда, алоҳида маҳалла ва қишлоқ бўлиб
яшаганлар. Қабристонлари ҳам алоҳида
бўлган.

Собик советлар даврида исломий қадри-
ятлар каби “саййид” атамаси ҳам қатағонга
учради. Энг аввало, пайғамбар авлодларига
мансуб кишилар қувғин килинди. Муқад-
дас қадамжолар ва зиёратгоҳлар топталди.
Саййидлар ўзларининг келиб чикишини,
аждодларини, ҳаттоқи исм-шарифини ҳам
унутишга маҳкум этилди.

Ўзбекистон мустакиллиги туфайли
халқимиз диний қадриятлари яна тикланди.
Жамиятдаги турли табакалар, жумладан,
пайғамбар авлодлари деб ҳисобланган
фуқаролар – саййидлар авлодларининг
ҳақ-хукуқлари тикланиб, эркин диний эъ-
тиқод қилишлари учун қулай шарт-шаро-
итлар яратилди.

Алқисса, юкорида қайд этилган далил
ва мулоҳазалардан ҳам яққол аёники, Амир
Темур ҳомий сифатида пайғамбар авлод-
лари саналган саййидларга доимо эҳтиром
кўрсатган. Саййидларни пир тутиб, давлат
бошқарувида уларнинг маслаҳатларига амал
килган. Айни чоғда, саййидлар Соҳибқирон
хазратларининг ҳомийлигига фаровон яша-
ганлар.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З-ж. – Т., 2007. – Б. 422.

² Навоий асарлари учун кисқача лугат. – Т., 1993. – Б. 240.

³ “Бобурнома” учун кисқача лугат. – Т., 2008. – Б. 146.

⁴ Э.Бегматов. Ўзбек ислами. Т., 2007. Б. 360-363.

⁵ Семенов А.А. Бухарский трактат о членах и званиях и об обязанностях называемый их в средневековой Бухаре. – СВ, т. V. М-Л., 1948. – С 141.

⁶ Э.Бегматов. Ўзбек ислами. Т., 2007. – Б. 586.

⁷ А.Абдуллахонов. Саййид унвонми ёки ислом?. – Ўзбек тили ва адабиёти 1996 йил, 6-сон. – Б. 45-46.

⁸ Темур тузуклари. – Б. 94.

⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2003. – Б. 338.

¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Р.Бойтуллаев, Г.Остонова. Мозий дафтаридан саҳифа. Т., 2010. – Б. 140-152.

¹¹ Темур тузуклари. – Т. 2013.

¹² Р.Ражабов Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т., 2012. – Б. 132.